O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**«Шуни унутмаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимиздадир.»**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2007-yil 19-iyul • Payshanba • 84-85 (27.730) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари ва азиз биродарим,

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Мамлакатингизга ташрифим асносида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи тузилмалари раҳбарларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириш шарафидан бахтиёрман.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилаётганлиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикаси билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилганлигидан фахрланадилар. Биз, шунингдек, қадимий шаҳар бўлмиш Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганидан ҳам бағоят мамнунмиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ислом тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаши ва Сиз, Жаноби Олийлари томонидан эълон қилинган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни бундан буён ҳам қатъият билан қўллаб-қувватлашини таъкидламоқчиман.

Шу ўринда, Сиз, Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган бағоят сермазмун учрашув учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Биз Сизнинг буюк мерос ва бебаҳо қадриятларга эга Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва тараққиёти йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз. Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонни ҳақиқий ва ишончли шерик сифатида эътироф этиб, мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдиради.

Мен қодир Аллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бундан ҳам гуллаб-яшнаши йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Самимият билан,

**доктор Аҳмад Муҳаммад АЛИ,**
**Ислом тараққиёт банки президенти**





«Ўзбекистон овози»нинг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишидаги мухбирлик пунктидан махсус мухбиримиз Абдумалик ҲАЙДАРОВ хабар қилади:

## ПЎЛАТ ИЗЛАР БЎЙЛАБ

### ЎТГАН БИР ТУН ЛАҲЗАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР




...Қуёш ботишига бир таёқ қолганда «Дарбанд» бекатига яқинлашдик. Иккинчи босқичда Сурхондарёнинг «Қумқўрғон» бекатидан давом эттирилган қурилишнинг пўлат излари бу ерга етди. Қашқадарё тарафдан бошланган бунёдкорлик эса «Шўроб»да... Бир сўз билан айтганда, икки тараф туташувига ўн километрга яқин йўл қолди. Пўлат из ўтган 200 километрдан ортиқ ҳудудда янгиликлар кўп: қад ростлаётган кўркам иншоотлар, соғломлаштириш масканлари, мактаб, коллеж, тиббий муассаса...

— Айни кунларда, — дейди **темир йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Азимбой Қурбонов.** — Ишни уч «смена»да ташкил этганмиз. Уч ярим минг нафарга яқин бунёдкор, беш юздан ортиқ техника...

...Соат 20.00 ларда «Самарқанд» участкасига бордик. Икки тоғ оралиғидаги техникаларнинг бири тупроқ ортаётган бўлса, бошқа бири уни белгиланган манзил сари олиб кетаяпти. Олисдан кўзга ташланган кўприк узунлиги 100 метрдан ортиқроқ...

— Ҳозир участкада Самарқанд, Жиззах ва Қаршидан келган йўлсозлар билан бирга меҳнат қилаяпмиз, — дейди **«Андижон» участкаси бошлиғи Анваржон Пирматов.** — Юз нафардан ортиқ киши эрталабгача 10 минг куб метр тупроқ ишлари уддалаши керак. 1145-1152-пикетгача бўлган масофа 700 метрдан зиёд. Эни — 61 метр. Иш бошланганига бир ойдан ошди. Қияликни 50 метргача пасайтирдик...

Чироқлар нурида товланган қизғиш-қора рангли харсангтошларни «улови»га ортаётган ҳайдовчи билан суҳбатлашамиз.

— Ҳошим Шоимовман, — таништирди у ўзини. — Бухороликман. Ҳозирча 6 «рейс» юк обордим. Эрталабгача 65-70 тадан кам бўлмайди.

— Улгурасизми?..

— Улгураман. Кечаси ишлаш қулай, ҳаво салқин. Ўтган тун 68 марта қатнаганман.

«Қорақалпоғистон» участкасига борганимизда соат миллари 22 ни кўрсатиб турувди. Бу ерда асосан бурғулаш усталари ишлашаяпти...

— Участкамизда 50 нафар бурғуловчи бор, — дейди **участка бошлиғи Каромат Аллаёров.** — Ҳафтасига ўртача 45-50 минг куб метр портлатиш ишлари бажараяпмиз.

...Соат 23.30 гача тўртта участкада бўлдик. ...Ярим соатдан кейин тунги йиғилиш бошланди. Участкалар ва пикет бошлиқлари кунлик ишлар юзасидан ҳисобот беришди. Тун ярмидан ўтганда биз Қашқадарё вилоятига отландик.

«Оқработ»да 25 ўринга мўлжалланган бекатда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти, бекат ёнида эса ишчилар учун турар жой бинолари... Деярли тикланиб бўлган электростанция эса бугун-эрта фойдаланишга топширилади.

50-60 чиқирим йўл босиб, «Дарбанд»га етиб келганимизда тонг ота бошланганди. Бу ерда «Тошкент», «Қарши», «Қўқон» участкалари бунёдкорлари меҳнат қилмоқда.

Мутахассислар фикрича, июль ойининг охирига қадар темир йўл қурилиши ниҳоясига етади. Пўлат излар тўлиқ ётқизилади. Мақсад — темирйўлчиларнинг касб байрамига қадар «Аср қурилиши»ни поёнига етказиш...





Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Республика ҳукуматининг 2007 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2007 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи ярим йилликда кўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг изчил ривожланишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этди, шу жумладан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19 фоизга, пудрат қурилиш ишлари — 20,5 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,8 фоизга, пулли хизматлар — 25,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 5,5 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорти 39 фоизга ошди. Унинг асосий қисмини — 70 фоизини хомашё бўлмаган экспорт ташкил этади. Ташқи савдонинг 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сезиларли ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси 2,7 фоизни ташкил этиб, прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестицияларни ўзлаштиришнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланди ва ўтган йилнинг тегишли даврига таққослаганда 140,2 фоизни ташкил этди. Жалб этилган хорижий инвестициялар 1,9 баравар ўсди, улар умумий миқдорининг қарийб 85 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялардир. 154 янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан 30 та енгил ва тўқимачилик саноати объекти, 102 километр электр узатиш линияси ишга туширилди, шу йилнинг сентябрь ойигача ҳаракатни бошлаш учун Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши тугалланмоқда.

Иқтисодиётни кенг кўламли модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш давом эттирилди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярми, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларнинг 65 фоизи кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилди. Пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноати, қурилиш материаллари саноати ва қора металлургия корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари қабул қилинди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесга солиқ юкини камайтириш ва унинг фаолият кўрсатиши шарт-шароитларини эркинлаштириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорларга қатъий риоя қилиш натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,1 фоизгача ўсди.

Қишлоқ хўжалигида ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда тугалланди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2006 йилнинг шу даврига таққослаганда бошоқли дон экинлари, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт ва пилла кўп етиштирилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## «БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ»

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ана шу шиор остида ўтказилган давра суҳбати мазмунли ва байрамона руҳда бўлди

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами тобора яқинлашган сари унга тайёргарлик ишлари янада кучайиб, байрамолди тадбирлар кўпайиб боряпти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳам умумхалқ байрамига атаб кўплаб тадбирлар, кеча ва учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб, истиқлол берган неъмат, қўлга киритилган ютуқларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушунтириш, кенг тарғиб этишга ҳисса қўшаяптилар. Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди.

Унда вилоятдаги ХДП ташкилотлари етакчилари, ХДПдан маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фаоллар, тарғиботчилар, жамоат ташкилотлари, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда партия электорати вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Парда Йўлдошев Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг шу борадаги ҳужжатига мувофиқ вилоят партия ташкилотида олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаеванинг «Ўзбекистон ХДП — мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, демократик ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси» мавзуидаги маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар.

2-бет

**☑ Мустақиллик имкониятлари**

## ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

### 19 ИЮЛЬ — АСАКАДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» КОРХОНАСИ РАСМАН ИШГА ТУШГАН КУН

Яқинда Жиззахга боришимга тўғри келди. Метронинг «Собир Раҳимов» бекатида такси кутиб турсам, олдимга бир «Матиз» келиб тўхтади. Рулда ҳамқишлоғимиз Туроб ака ўтирибди.

Тўғриси, шундай катта шаҳарда умр бўйи даладан чиқмаган қўшнимизни учратаман, деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Кейин билсам, «Матиз»ни Асакадан сотиб олиб келаётган экан. Янги машинанинг биринчи «йўловчиси» мен бўлдим — қишлоққача бирга кетдик.

— Катта орзуимга эришдим, — дейди Туроб ака завққа тўлиб. — Машина олдим. Ўзинг биласан, умрим колхознинг даласида ўтди. Лекин велосипед ҳам минолмадим. Мустақиллигимиз шарофати билан ер олиб, фермер бўлдим. Рўзғорга барака, чўнтакка озми-кўпми пул кирди. Аввал ўғилларимга уй қурдим. Кейин келин олиб, қиз чиқардик. Бундан 15-20 йил илгари Туроб тракторчи машина олибди, десанг ким ишонарди!



Туроб ака манзилимизга етгунимизча «Матиз»нинг қулайликларию бензинни кам «ейиши», бошқаришнинг енгиллиги-ю бежиримлигини айтиб, автомобилсозларимизни мақтаб кетди.

Мен ўйладим, бугун Ўзбекистонимизда, «ЎзДЭУавто»нинг «тулпорлари» елиб юрган бошқа мамлакатларда Туроб акадек ўзбек автомобилсозларини алқаб юрганлар неча минг, миллион экан?

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги айёмига яқинлаштирмоқда. Кўҳна тарих олдида лаҳзаларга тенг 16 йилда юртимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз ўз истиқлолига эришиб, уни тобора мустаҳкамлаш йўлидан қатъият, сабот билан бораётгани ўзининг кенг кўламли самараларини намоён этмоқда. Мустақиллик, аввало, дунёқарашимизда, онгу тафаккуримизда юз берган ўзгаришлар, миллий ғуруримиз, қадриятларимиз, асрий анъаналаримизнинг қайта тикланиши мисолида ўз инъикосини топмоқда. Юртдошларимиздаги ҳурлик туйғуси, она Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнати, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссининг кучайгани фикримиз тасдиғидир. Энг муҳими, биз ким эдигу ким бўлдик, деган саволга, аввало, Мустақиллик инъом этган неъматлар мисолида жавоб топяпмиз.

5-бет

### ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ — 3:0

## ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА!



XIV Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳ учрашувларининг сўнгги турида Хитой футболчилари устидан 3:0 ҳисобида зафар қучди.

6-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

# АЁЛЛАР — ЖАМИЯТДА КАТТА КУЧ

**Уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда янада фаоллашувига эришиш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифадир, дея таъкидланди Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қанотининг конференцияларида**

Конференциялар эркин мулоқот тарзида ўтди ва савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Уларда жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, манфаатларини ҳимоялаш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда янада фаоллашувига эришиш сингари партия Дастурида илгари сурилган мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

— Вилоятимиздаги 13000 нафардан зиёд ХДП аъзосидан 4000 нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил этади, — деди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Мўътабархон Каримова. — Бироқ бугунги кунда вилоят аҳолисининг 51 фоиздан кўпроғи хотин-қизлардан иборат эканини инобатга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич ҳали етарли эмас. Тўғри, хотин-қиз сафдошларимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилишаяпти ва фаолликлари билан кўпчиликка ўрнак бўлишаяпти. Фаол хотин-қизларимиз орасида туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашлари депутатлари, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермер, шифокор, ўқитувчиларни учратишимиз мумкин. Қанот ана шу фаоллар ёрдамига таянган ҳолда хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуришда, ижтимоий ҳаётда, сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий савияларини кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Йил бошидан бери ўтган олти ойда марказимизга 540 нафар киши иш сўраб мурожаат қилди, — деди Зарбдор туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Гулзода Худоёрова. — Уларнинг 196 нафари хотин-қизлар. Ўрганиб чиқиш жараёнида 91 нафарига ишсизлик мақоми берилди. Шу муддат ичида 138 та янги иш ўринлари яратилди ва шунча киши доимий иш ўрнига эга бўлди. 270 та кам таъминланган оилага бепул қорамол берилиб, хонадонида мол боқаётган 94 нафар аёлга меҳнат дафтарчалари очилди. Бу сингари ижтимоий ҳимояга дахлдор ишларимизни янада кучайтириш тадбирларини кўраяпмиз.

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг конференциясида Боёвут туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Норой Жўраева, ЎзХДП Ховос туман кенгаши раиси Назокат Эрматова, Гулистон давлат университети ўқитувчиси Ўлмасхон Рўзибоева, Гулистон шаҳридаги Муқимий маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти раиси Жуманисо Қурбонова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда «Фаол аёллар» қаноти олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталдилар. Хусусан, фаол аёлларимизни бевосита маҳаллаларда, одамлар орасида кўпроқ бўлишга, тадбирлар, учрашувлар ташкил этишга, уларда аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига эътиборни кучайтиришга даъват этдилар.

Мамлакатимизда хотин-қизлар мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини фаоллаштириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда, дея таъкидланди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг конференциясида. Бу жараёнда Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти ҳам ўз ташаббуслари, интилишлари билан иштирок этиб келаяпти.

Бугун ўз сафида 22 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти ҳам шундан келиб чиқиб фаолият кўрсатаяпти. Партия аъзоси бўлган 7 мингдан зиёд хотин-қиз орасидан кўпчилиги турли даражадаги депутатликка сайланган, жамоат ташкилотларини бошқараяпти. Уларнинг фаоллиги турли жабҳаларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева, Ғиждувон туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Робия Камолова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро филиали директори ўринбосари Абера Ҳусенова, Вобкент туманидаги Харгўш маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзибиби Эсанова, Бухоро туман партия кенгаши раиси Хубон Султонова ва бошқалар алоҳида тўхталдилар.

Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш, улар сиёсий фаоллигини кучайтириш борасида ЎзХДП илгари сураётган ғоя ҳамда таклифларни қўллаб-қувватлаш, айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича мулоҳазалар ўртага ташланди.

ЎзХДП Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят кенгашлари «Фаол аёллар» қаноти конференцияларида ҳам қанотнинг ўтган даврдаги ишлари сарҳисоб қилиниб, келгуси режалари белгилаб олинди. Иштирокчилар фаолиятда кўзга ташланаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикрларини билдирдилар.

Конференцияларда Мўътабархон Каримова ЎзХДП Жиззах, Шарофат Маҳамматова Сирдарё, Робия Козимова Бухоро, Комила Каромова Қашқадарё, Сурайё Нурманова Сурхондарё вилоят кенгашлари «Фаол аёллар» қаноти раислари этиб сайландилар. Вилоят анжуманларида «Фаол аёллар» қанотининг умумреспублика конференциясига делегатлар сайланди.

**(Ўз мухбирларимиз)**

# «БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ»

**Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ана шу шиор остида ўтказилган давра суҳбати мазмунли ва байрамона руҳда бўлди**

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Партиямизнинг барча тузилмалари мамлакатимиз Президентининг қароридан келиб чиқиб, республикамиз давлат мустақиллигининг 16 йиллигига ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқдалар, — деди маърузачи. — Бугунги кунда улар байрамолди оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишни бошлаб юбордилар. Юртбошимиз илгари сурган «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» шиори остида электорат орасида, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бормоқдалар. Суҳбат ва мулоқотларда фаолларимиз мустақилликнинг халқимиз учун тарихий аҳамиятга моликлигини, у туфайли биз ўз овозимизга, эркин фикрлаш, ўз нуқтаи назаримиз, мустақил ривожланиш йўлимизни танлаш ва мустақил сиёсат юритиш имконига эга бўлганимизни очиб бермоқдалар. Уларда мустақиллик йилларида юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг ҳам фаол иштирок этаётгани ҳақида сўз юритиляпти. Зотан, мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Суҳбатда шунингдек, меҳнат фахрийси, ЎзХДП фаоли Н.Сувонқулов, Ғаллаорол туман партия кенгаши раиси Б.Темиров, Жиззах туман Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Д.Саидова ва бошқалар сўзга чиқиб, мустақиллик байрамини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш, тадбирларга аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни кўпроқ жалб қилиш лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.**

## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши**да Мустақиллик байрамининг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники!» шиори остида маҳаллалар, аҳоли истиқомат жойларида ўтказиладиган оммавий, маданий-маърифий тадбирларнинг ташкилий, сиёсий ва бадиий савиясини оширишда ХДП ташкилотларининг иштироки борасида вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзХДП Уйчи туман кенгаши** Мустақилликнинг ўн олти йиллигига бағишлаб Беруний маҳалласида «Ибратли хонадон», Иттифоқ маҳалласида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловларини ўтказди. Тадбир қатнашчилари ва ғолибларига «Фахрий ёрлиқ» ва эсдалик совғалари топширилди.

**ЎзХДП Данғара туман кенгаши** Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Мирсодиқовнинг партия фаоллари, аъзолари ва электорат вакиллари билан учрашувини ташкил этди. Иштирокчиларга сенатор Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида гапирди. Жумладан, «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳақида батафсил тушунча берди.

**ЎзХДП Асака туман кенгаши**нинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларига бағишланган пленуми ўтказилди. Андижон вилоят партия кенгаши раиси Одинахон Мадаминова партия ташкилотлари олдидаги вазифаларга тўхталиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши раиси ўринбосари бўлиб ишлаб келган Муҳаммаджон Усмонов туман партия кенгаши раиси этиб сайланди.

**ЎзХДП Олот туман кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Бухоро вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимиз истиқлолининг 16 йиллигини муносиб кутиб олишда партиядошларимиз олдида турган долзарб масалалар ҳақида гапирди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Исмоил Носиров Ўзбекистон ХДП Олот туман кегаши раиси этиб сайланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Аҳолини иш билан банд этиш ва даромадлари даражасини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар биринчи ярим йилликда 314,8 минг янги иш ўрни, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида — 75 мингдан ортиқ, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига — 40,2 минг иш ўрни яратилишини таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари 21,3 фоизга ўсди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 2 ёшгача бўлган болани парвариш қилиш билан банд бўлган 440 минг нафар ишламаётган оналар, 18 ёшгача болалари бўлган 880 минг оила нафақа олди. 44 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 28,5 минг кам таъминланган ва кўп болали оила бепул қорамол олди. Ногиронлар учун 2049 иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларга 20,4 миллиард сўм кредит, шу жумладан ўз бизнесини ташкил этишга 10,6 миллиард сўм имтиёзли микрокредит берилди.

Иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳаитов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Камолов, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари, шунингдек, республиканинг бир қанча акциядорлик компаниялари ва банклари раҳбарларининг ҳисоботларида белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурларининг амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди.

Идоралар раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар ҳокимларининг эътибори хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган агрофирмаларни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш лойиҳаларига инвесторларни жалб этиш юзасидан кўрилаётган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервис объектларини молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш масаласи танқидий кўриб чиқилди.

Мажлис қатнашчилари олдига 2007 йил учун белгиланган вазифаларга мувофиқ устувор вазифалар ва мақсадли комплекс ривожлантириш дастурлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида йўл қўйилган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг амалга оширилиши ва Автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш топшириқларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси раиси Н.Аҳмедов, халқ таълими вазири Т.Жўраев, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуродов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р.Рўзиқулов, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси раиси М.Абдуллаев, республика йўл жамғармаси директори Н.Жулибеков сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳисоботлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилинишини танқидий таҳлил қилишга, шунингдек, объектларни сўзсиз ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлашнинг аниқ вазифаларига бағишланди.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг нутқи ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов, «Асака» банки бошқаруви раиси Қ.Орипов, «Ипотека-банк» бошқаруви раиси А.Абдуллаев, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаевнинг ҳисоботлари банк-молия тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламларини кенгайтириш, депозитлардан нақд пул узлуксиз берилишини таъминлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш вазифалари ижросига бағишланди.

Тижорат банклари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кредитлашдаги иштирокини кенгайтириш юзасидан банкларнинг фаолиятини фаоллаштириш зарурлигига қаратилди.

Бош вазирнинг ўринбосари Р.Қосимов, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг раҳбарлари Ф.Назиров, Б.Алимуҳамедов, бир қанча вилоятлар ҳокимларининг чиқишларида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда пахта етиштириш бўйича комплекс агротехника тадбирларининг бажарилиши тўғрисида қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоиловнинг ахбороти ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли даврларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувни тежаш бўйича дастурларни сифатли тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун республика ҳукуматига киритишни жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича республика ҳукумати мажлисида қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

# ҲАМ МИҚДОР ОШДИ, ҲАМ СИФАТ





Бундан салкам беш йил муқаддам иш бошлаган «Ройсон электроника» масъулияти чекланган жамият корхонаси цехларида Ватанимиз Мустақиллигининг ўн олтинчи йилига келиб, рангли телевизор, уй кинотеатри аппаратлари, кондиционер ва видеоплейерлар ишлаб чиқариш ҳажми 3-4 баробар ошди.

Нафсиламбирини айтганда, корхона фаолият бошлаган йилиёқ истеъмол бозорида катта эътибор қозонди. Негаки, у илк кунлариданоқ энг илғор технология янгиликлари асосида юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди. Боз устига, ишлаб чиқариш қувватларини ҳам йил сайин ошириб борди. Масалан, биргина ўтган йил бу ерда буюртмачиларга 1000 донадан ортиқ рангли телевизорлар жўнатилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич икки баравар кўпайиши кутилмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, корхона маҳсулотларининг салмоқли қисми Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон сингари мамлакатларга жўнатилмоқда.

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

**Суратларда:** *корхонанинг фаолиятидан лавҳалар.*

Банк ва мижоз

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

## ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ АТ «ПАХТАБАНК» СИРДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШИОРИ

**Куни кеча мамлакатимиз бўйлаб хушхабар тарқалди. Ғаллакорларимиз 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд сара дон хирмони бунёд этиб, улкан зафарга эришди. Бу ютуқда акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» жамоаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.**

Сайхунобод туманидаги «Зафар» фермер хўжалиги раҳбари Муҳиддин Умрзоқов кўпдан буён ғалла ўриш комбайни сотиб олишни орзу қиларди. Лекин бу ишни қандай амалга оширишни билмасди. Чунки дурустроқ комбайн жуда қиммат. Шундан сўнг бу борада кўмак сўраб акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Сайхунобод туман филиалига мурожаат этди. Банкдагилар эса Муҳиддиннинг ишбилармон, тадбиркор ҳамда уддабурон эканлигини ҳисобга олиб унга «Класс Доминатор-130» русумли комбайн сотиб олиш учун 122,3 млн. сўм кредит ажратишди. Банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратилган бу кредит «Зафар» фермер хўжалигига чинакам маънода зафар келтирди. Шуниси диққатга сазоворки, М.Умрзоқов ўзига тегишли ғалла майдонларини қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиб, туманда фаолият юритаётган яна 32 та фермер хўжалигининг 317,6 гектар майдондаги ғалласини сифатли ўриб берди. Пировардида 18 млн. 295,6 минг сўмлик иш бажарилди. Кўрилган даромаднинг асосий қисми банкдан олинган қарзнинг фоизлари учун сарфланди. Янги ишчи ўринлари яратилди.

Бошқарманинг Янгиер бўлими мижози «Мирсоат» фермер хўжалиги ҳам ғалла ўриш комбайнини банк ёрдамида кредитга олди. Бу йил хўжалик аъзолари 296 гектар майдондаги ғаллани ўз вақтида ўриб олишди. Бунинг натижасида жами 17,7 млн. сўмлик иш амалга оширилди ва лизинг тўловларининг асосий суммасини сўндиришда белгиланган графикдан ўзиб кетди. Ушбу фермер хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан барқарорлашуви ва қўшимча 3 нафар ишчи ўрни яратилганлиги лизинг хизматларининг самарадорлигидан далолат бермоқда.

«Пахтабанк»нинг Сирдарё вилоят бошқармаси жамоаси фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда улар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун жорий йилнинг ўзида жами 1 млрд. 180,2 млн. сўм тижорат кредитлари ажратиб, бунинг эвазига ҳар хил қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш имконияти яратилди.

Шунингдек, банк филиаллари томонидан 2007 йилги пахта ва ғалла ҳосили харажатларини имтиёзли кредитлаш мақсадида жами 18 млрд. 680 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари банк филиаллари томонидан 2007 йилнинг ўтган даври мобайнида лизинг хизмати кўрсатиш бўйича ҳам анчагина ижобий ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига, жумладан вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» корхонасининг туманлардаги ҳудудий филиалларига 261,9 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари, яъни «ТТЗ-80» тракторлари, тиркамалар, культиваторлар ва ОВХ пуркагичлари лизинг асосида олиб берилди.

Германиянинг «Класс» компаниясида ишлаб чиқарилган 1 млрд. сўмликдан зиёд 9 дона «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайнлари лизинг асосида сотиб олиб берилди ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан жами 12 млрд. 266,1 млн. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Фермер хўжаликлари ушбу комбайнлар билан вилоятдаги қарийб 2800 гектардан ортиқ майдондаги ғаллани ўриб олишди. Бу техниканинг ҳар бири 300 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб, ўртача 24,5 млн. сўмликдан иш бажарди.

«Пахтабанк» вилоят филиаллари иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда фаол қатнашиб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Банк томонидан доимий равишда олиб борилаётган изланишлар ҳамда амалга оширилган тадбирлар натижасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

## ☑ Табиий бойликлар — Халқ манфаати хизматида

# ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН КОНЛАР...

***Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси Геология ахборот маркази директори, геология-минерология фанлари номзоди Мажид Пирназаров билан суҳбат***

***— Мажид Маҳкамович, юртдошларимиз энг азиз, энг улуғ байрамимизни муносиб туҳфа билан кутиб олиш тараддудида. Айтингчи, геологларимиз ўтган ўн олти йилда қандай ютуқларни қўлга киритдилар?***

— Истиқлол — юртимизда табиий бойликлардан фойдаланишда ҳам янги уфқларни очди, десам муболаға бўлмайди. Мана, ўтган 16 йил мобайнида Қизилқум, Тошкент ва Самарқанд атрофи каби асосий тоғ-маъдан ҳудудларида фаолият юритаётган тоғ-кон металлургия мажмуаларининг хомашё базаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда яна бир катта қадам қўйилди.

Бу жараён, айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 17 январдаги **«Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»**ги Қароридан сўнг, янада унум билан ривожланмоқда. Қарор асосида қўмитамиз ва унинг корхоналари фаолияти тубдан янгиланди, тизимдаги самарасиз бўғинлар қисқартирилиб, ўрнига замонавий талабларга жавоб берувчи давлат корхоналари тузилди. Уларнинг малакали кадрлар билан таъминоти ва моддий-техник базасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар тузилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Тоғ иншоотлари анжомлари, бурғилаш ускуналари, замонавий компьютер дастурлари, космик тасвирларни босқичма-босқич божхона солиқларисиз харид этиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан барча шарт-шароитлар яратилди.

Қўмитамиз ўз корхоналари фаолиятини физик ҳажмларга эмас, балки олтин, уран, ер ости сувлари каби фойдали қазилмаларнинг саноат захираларининг ўсишига қараб баҳолай бошлади. Бу эса изланишларни узоқ муддатларга режалаштириш ва амалга ошириш механизмларини тубдан янгилаб, замонавий талаблар асосида ташкиллаштиришга йўл очди. Геология-қидирув ишлари илмий асосда олиб борилишига алоҳида эътибор берилиб, янги майдонлар, конлар очиш имконияти яратилмоқда.

***— Бугун биз барча соҳаларда эришган ютуқларимизни дунёда тутган ўрнимизга қиёслашга одатланяпмиз. Кези келганда, ҳудудимизда топилган минерал хомашё турлари, ўзлаштиришга тайёрланаётган конлар ва бу кўрсаткичлар бўйича дунёда тутган ўрнимиз қандай?***

— Дарҳақиқат, республикамиз замини халқ хўжалигида ишлатиладиган турли-туман фойдали қазилмаларга эга. Юртимизда 100 га яқин турдаги минерал хомашёнинг уч мингдан ортиқ кон ва фойдали қазилмалар мавжуд бўлган жойлар қидириб топилган. Улардан 72 турдаги 1466 та кон ва қазилма маконлари ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган. Буларнинг асосийлари мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган олтин, уран ҳамда ер ости сувлари конларидир.

Қидириб-баҳоланган барча турдаги минерал хомашё захиралари экспертлар томонидан 1,88 триллион АҚШ долларига, республиканинг минерал хомашё базасининг умумий салоҳияти эса 10,96 триллион АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда. Олтин, уран, мис, калий тузлари, фосфоритлар, каолин сингари бир қатор энг муҳим фойдали қазилмалар захиралари ва башорат қилинган ресурслари бўйича Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

***— Истиқлол «конлари», яъни юртимизда мустақиллик йилларида қандай янги конлар топилди?***

— Мустақиллик йилларидаги фаолиятимизга яна бир бор назар солсак, республикамиз ҳудудида геологларимиз томонидан 70 тадан ортиқ кон очилган. Шу жумладан, 5 таси олтин, 2 тадан вольфрам, уран ва вермикулит, 5 таси рангли тошлар, 6 таси агрокимёвий маъданлар, 40 тадан кўпи қурилиш материаллари, 5 таси эса ер ости сувлари захираларидан иборатлигига гувоҳ бўламиз. Бундан ташқари, аввалдан маълум бўлган ҳудудлардаги Давгеолқўм қидириш ишларининг якунига биноан, Давлат захиралари қўмитасида 299 та коннинг захиралари тасдиқланди, 122 та кон бевосита ишлаб чиқаришга ўзлаштириш учун топширилди. Шу даврда 532 та конда баҳолаш ишлари ўтказилиб, натижада давлат захиралари баланси 31 турдаги хомашё бўйича оширилди.

Бу фаолият натижасида Ўзбекистон учун аввалда аниқланмаган геологик-саноат туркумларига мансуб бўлган кон турлари — вольфрамнинг янги хомашё базаси Марказий Қизилқумда, литийники эса Тошкент атрофи регионида, Жиззах вилоятида темир кони аниқланди. Тошкент вилоятидаги Сюренота темир конининг саноат учун аҳамиятини асослаш ишлари ўтказилмоқда. Букантоғ, Хисор, Шимолий ва Жанубий Нурота тоғларидаги ўта катта чуқурликда ҳосил бўлган тоғ жинсларида олмос борлиги аниқланган.

Хусусан, олтинга бой Пистали-Консой, Аджибугут, Балпантов, Давон, Аристонтов, Турбай, Барханное, Промежуточное, вольфрам маъданли Саутбой, Қўйтош-Угат, уранниниг саноат миқдорларига эга Улус, Тохумбет, Аульбек ва Сеноман деб номланган конлар топилди. Буларнинг барчаси — истиқлол кашф этган конлар...

***— Топилган конларнинг кейинги тақдири-чи? Уларни ўзлаштириш — энг муҳим масала ҳисобланади...***

— Охирги 5-6 йилда геологларимиз томонидан саноат учун аҳамияти илмий асосланиб, ўзлаштирилаётган конлар хусусида тўхталсак, биргина олтин бўйича Марказий Қизилқумдаги Ажибугут, Даугиз, Омонтой, шимолий Нурота тизмаси жанубидаги Гужумсой ва Зиёвуддин тоғларидаги Қорақўтон конларини мисол тариқасида айтишимиз мумкин. Жадаллик билан ўзлаштирилаётган Марказий Қизилқумдаги Джерой-Сардара фосфорит, Қорақалпоғистондаги Борсакелмас туз, Крантау глауконит-бентонитли, Жанубий Ўзбекистондаги Гулиоб комплекс глауконит-бетонит-фосфоритли ва Хаудаг бентонитсимон лойли агромаъдан конлари, Жиззах вилоятидаги минерал тола ишлаб чиқаришга мўлжалланган Осмонсой базальт кони ҳам охириги йиллардаги фаолиятимиз, яъни мустақиллик маҳсулидир. Бу фаолият асосан, Навоий ва Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатлари, қисман республикамиздаги бошқа корхоналар, Буюк Британия ва Хитой компаниялари жалб этилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, конларни ўзлаштириш суръатлари бугун давр талаблари ва эҳтиёжларини қониқтира олмаяпти. Шу сабабли республикамиз раҳбариятининг бевосита бошчилигида маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни бу жараёнга жалб этиш борасида кенг миқёсли ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, Бойсун тоғларидаги Хондиза ва Фориш туманидаги Учқулоч полиметал (руҳ, қўрғошин, мис, кумушли) конларини Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт фонди сармоялари ҳисобига ўзлаштириш лойиҳаси якунлаш босқичига кирди. Марказий Қизилқумдаги қора сланецли туркумга кирувчи уран конлари — Джантуар Жанубий Кореянинг «КОРЕС», Рудное ва Косчеке Япониянинг «ИТОЧУ» компаниялари томонидан ўзлаштиришга жалб этилиши борасида музокаралар олиб борилаяпти.

Жорий йилнинг 7 июнида Президентимизнинг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. У кучга кириши билан заминдан рационал фойдаланиш, уни сақлаш билан боғлиқ кўпгина муаммолар ечилиб, маҳаллий, хорижий инвесторларга ажратилаётган фойдали қазилма конларини ва салоҳиятли майдонлари ягона тартибда қайд этилиб, келажакдаги ўзлаштириш жараёнлари тартибга солинди. Ҳозирда Давгеолқўм томонидан ер бойликларидан фойдаланувчилар қайта инвентаризация қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида, айрим вилоятларда кузатилаётган фойдали қазилмаларни ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларини аниқлаш, уларга чек қўйиш имконини яратади.

***— Соҳани етук мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилмоқда?***

— Геология фанини ривожлантириш ва унинг амалиётга ижобий таъсирини кучайтириш вазифалари албатта, замонавий билимларга эга, янгича фикр юрита оладиган мутахассисларни тайёрлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Қўмитамиз тизимини асосан Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети, Навоий кончилик институтининг геология факультетлари ёш, малакали мутахассислар билан таъминлайди. Президентимизнинг 2007 йил 17 январидаги Қарори 9-бандига асосан тайёрланаётган геология мутахассисликларининг 2007-2008 йиллардаги ўқув дастурлари замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқилди. Тегишли факультетларнинг моддий-техник базасини янгилаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва геологик амалий машғулотлар ўтказиш полигонларини қайта жиҳозлаш борасида белгиланган барча тадбирларни бажарилишига эътибор кучайтириляпти.

Табиий бойликлар — мамлакатнинг, миллатнинг миллий бойлиги. Зеро, уни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш орқали биз шажараларимизнинг боқийлигини, фаровонлигини таъминлашдай муқаддас юмушга ўз улушимизни қўшган бўламиз.

**Суҳбатдош: Саида САЙҲУН.**

## ☑ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир



## УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР АМАЛДА

Президентимиз томонидан қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ айни пайтда мамлакатимизда жорий йил манзилли рўйхатига киритилган умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Наманган вилоятининг Уйчи туманида ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Туманда 2007-2008 ўқув йилига 8 та мактабни тўлиқ капитал реконструкция қилиб фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Жумладан, 34, 37-умумтаълим мактаблари капитал реконструкция қилинса, 18, 22, 23, 24-мактаб ва 40-мактаб-интернатда капитал, 26-мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда F.Сулаймонов бошчилигидаги 10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма МЧЖ бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**Суратларда:** қурилиш-таъмирлаш ишларидан лавҳалар.

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.**



Бугунги кунда банк бўлимлари томонидан хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига жами 7007 та банк ҳисоб рақамлари очилган бўлиб, уларга самарали хизмат кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида вилоят «Пахтабанк»и томонидан кичик бизнес субъектларига жами ажратилган кредитлар миқдори 805 млн. сўмни ташкил қилди. Шундан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 623,5 млн. сўмга етиб, белгиланган режа 105 фоизга уддаланди. Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103 фоизга ортганини кўриш мумкин.

Шунингдек, ушбу молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 430 та янги ишчи ўринлари ташкил этилган бўлиб, 509 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2007 йилнинг январь-июнь ойларида жами 144 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамол сотиб олиш учун 126,7 минг сўмлик кредит маблағлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида банк томонидан 16 та фермер хўжалигига четдан наслли қорамоллар олиб келиш учун 531 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратиш режалаштирилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 9 та қишлоқ ветеринария пунктларини ривожлантириш учун банк бўлимлари томонидан 16,5 млн. сўмлик асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар сотиб олишга кредит маблағлари йўналтирилди. Ўтган йил давомида 10 та кичик бизнес субъектларига 106 млн. сўмлик кредит маблағлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳамда фермер хўжаликларига техника, эҳтиёт қисмлар сотиб олишга ва фаолиятини кенгайтириш учун берилди.

Тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш, шарт-шароитлар яратиш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнесни ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, аҳоли кенг қатламларининг, шу жумладан қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганларнинг молиявий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида ҳам анча иш қилинди.

Айниқса, жамиятдаги энг фаол инсонлар — аёлларга эътибор кучайтириляпти. Масалан, 2007 йилнинг биринчи чорагида аёл тадбиркорларга кредит ажратиш бўйича яхши натижаларга эришилди. Банк бошқаруви томонидан тасдиқланган режага биноан 121 нафар мижозга — тадбиркор аёлга 537 млн. сўмлик имтиёзли маблағ берилди. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан эса тадбиркор аёлларга 50 млн. сўмлик маблағ ажратилди.

III

Масалан, «Машҳура-М» кичик корхонаси раҳбари Мавжуда Рустамова ҳам банк хизматидан миннатдор. Негаки, бу тадбиркор аёл банкнинг Гулистон шаҳар бўлимидан маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун 6 млн. сўм имтиёзли кредит олган эди. Ана шу маблағ ҳисобига тикувчилик цехи учун дастгоҳлар сотиб олинди. Натижада 10 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Якка тартибдаги тадбиркор Зуҳра Узаедуллаева эса ўз хонадонида чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилди. Шу боис банкдан уч йил муддатга 5 миллион сўм маблағ олди. Ушбу микрокредит ҳисобига олти бош соғин сигир ва саккиз бош бузоқча сотиб олди. Айни пайтда гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириб, эл дастурхонига етказиб бермоқда. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор Инсоной Жуманазарова, Гулнора Бобожонова раҳбарлигидаги «Аҳоли кўмак савдо» шўъба корхонаси ва Маҳбуба Жалолова бошчилигидаги «Тўмарис Ширин Нур» хусусий фирмаси ва бошқа тадбиркор аёлларга ҳам ўз ишларини юритишда ёрдам берилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалардаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 66 нафар аёлга чорва молларини парваришлаш учун 51 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ўтган даврида аҳоли турмуш даражасини янада кўтариш, яшаш шароитини яхшилаш учун 116 млн. сўмлик истеъмол кредити ажратилиб, ушбу йўналишдаги кредитлар қолдиғи 390 млн. сўмдан ошиб кетди.

Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 30 ёшгача бўлган ёшларга 35 млн. сўм имтиёзли истеъмол кредити ажратилиб, ушбу мақсадга йўналтириладиган кредитлар 75 млн. сўмга етказилиши белгиланди.

Аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганлиги натижасида уларнинг банклардаги омонатларга қўяётган бўш пул маблағлари миқдори кундан кунга ортиб бормоқда.

Ўтган олти ой давомида жами 2 млрд. 868,2 млн. сўм миқдорида аҳоли бўш пул маблағлари банк омонатларига жалб этилди.

Банк жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, мижозлар фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида уларга зарур маслаҳатлар берилмоқда, сифатли хизматлар кўрсатилаётир. «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг дастлабки кунларидан бошлабоқ янги минибанклар очиш йўли билан банк хизматини бевосита қишлоққа олиб кириш, уларда амалий семинар-кенгашлар ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш тадбирлари қизғин давом эттирилди. Шу боис банк жамоаси эришган ютуқлар салмоқли.

IV

***Ҳайдар АНВАРОВ, Бахтиёр СОДИҚОВ.***

# ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес субъектлари ҳамда аграр соҳада қўлга киритилаётган ютуқларда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Термиз бўлими жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор

Айниқса, ушбу банк жамоасининг «Банк — мижоз учун» тамойилига қатъий амал қилинаётганлиги катта самара бераётир.

Воҳада қишлоқ хўжалиги тармоғи асосий ўрин тутади. «Агромаш-Экспо-2006» дастури асосида 7 та лойиҳа амалга оширилиб, деҳқон ва фермерларга қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун банк томонидан шу пайтгача 353,8 миллион сўмлик кредит маблағлари берилди.

— Соҳани ривожлантириш учун Миллий банкнинг Термиз бўлимидан 132 миллион сўм кредит олганимиздан сўнг ишимизда катта ижобий ўзгаришлар юз берди, — дейди Денов туманидаги «Ғалла-уруғчилик» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев. — Шунинг ҳисобидан Германияда ишлаб чиқарилган «Класс» русумли комбайн сотиб олдик. У мавсумда қанчалик катта наф берганлигини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Шартнома асосида бошқа хўжаликларнинг ҳосилини ҳам йиғиб бердик.

Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги сўнгги пайтларда иқтисодий жиҳатдан анча юксалди. Бунинг боиси шундаки, фермер хўжалиги ўтган йили банкдан олинган 176 миллион сўм кредитни чорвачиликни ривожлантиришга сарфлади. Польша давлатидан 30 бош қора-ола «Гольштейн» зотли сигирлар олиб келинди.

— Ҳозирги кунда уларнинг ҳар бири кунига 45-50 литрдан сут беряпти, — дейди хўжалик бошлиғи Раҳмиддин Шаропов. — Хўжалигимизнинг кенгайиши эвазига 8 та ишчи ўрни ҳам яратилди. Даромад эса ўзига яраша бўляпти.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган олти ойда шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун 105,8 миллион сўм кредит маблағлари берилганлиги ҳам аҳоли учун катта қулайлик яратди.

Бозорни қишин-ёзин турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш фаровонлик сари ташланган муҳим қадам. Айни пайтгача 35,8 миллион сўмлик кредит маблағлари ана шу мақсадлар учун йўналтирилди.

— Термиз туманидаги Мангузар маҳалласида яшайман, — дейди оддий фуқаро Райҳон Саломова. — Миллий банкнинг Термиз бўлимига истеъмол кредити олиш борасида мурожаат қилдим. Дарҳол ҳал қилиб беришди, барака топишсин банк ходимлари. 1 миллион 460 минг сўм ҳисобига рўзғоримизга дўкондан керакли музлатгич, телевизор, мебель сингари кўплаб жиҳозлар олдим. Ҳукуматимиздан, қолаверса, банк ходимларининг хизматидан мамнунман.

Ишлаб чиқариш корхоналарига минитехнологияларнинг кириб келаётганлиги, экспорт салоҳиятининг ошаётганлигида ҳам банкнинг катта хизмати борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу мақсадлар учун 758,8 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Корхонамизда сутни қайта ишлаш жиҳозлари анча эскирган, янги технологияларни олиб келиш учун эса маблағимиз кам эди, — дейди «Термиз сут» масъулияти чекланган жамияти раиси Шавкат Эламонов. — Миллий банк жонга оро кирди. Корхонамиз учун 12 миллион сўм кредит ажратишди. Россиянинг Ижевск шаҳрида ишлаб чиқарилган қадоқлаш мосламаси сотиб олдик. Ҳозир мутахассислар ёрдамида уни ўрнатиш ишлари амалга ошириляпти. Бу қурилма ишга тушгач, халқимизнинг қадоқланган сут ва қатиқ маҳсулотларига бўлган талаби бирмунча қондирилади.

— Тўлов тизимини такомиллаштириш, замонавий банк технологияларини тизимга жорий қилишни давр тақозо этмоқда, — дейди банк бошқарувчиси Шуҳрат Жумаев. — Ходимларимиз ҳам замон талаблари асосида иш юритишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар бир мижоз эътибордан четда қолмайди, уларнинг сўровларига ўз вақтида жавоб қайтарилади. Мақсад тез, ишончли ва сифатли хизмат кўрсатишдир.

Банкнинг жойларда ҳудудий тузилмаларини кенгайтириш ҳамда вилоят марказидан узоқда жойлашган тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига қулайлик яратиш ҳам жиддий эътиборда. Ҳозирги кунда ушбу банкнинг 5 та туманда филиаллари ва 2 та мини банки ишлаб турибди. Шуниси қувончлики, республикада ном таратган Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги ҳам мазкур банк мижози ҳисобланади. Уларнинг талаби асосида хўжалик яқинида, яъни Хитоян қишлоғида минибанк ташкил этилди. Замонавий бинони эса фермер хўжалиги тақдим этди.

— Мини банкнинг очилганлиги нафақат биз учун, балки шу ерлик аҳоли учун ҳам катта қулайлик туғдирди, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи, сенатор Аҳмад Нарвуллаев.

Корпоратив мижозлар билан ишлаш эса банкда катта ўринни эгаллайди. Жарқўрғондаги «Сурхонтекстиль», Деновдаги «Сурхонозиқовқатсаноат», вилоят марказида жойлашган «Сурхон дори-дармон», «Сурхон-Атлантик» сингари иқтисодий бақувват корхоналар шулар жумласидандир.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш, қулай ва фойдали омонат турларини жорий этиш, қўшимча хизмат турларини кўпайтириш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Айниқса, «Хумо», «Келажак», «Кўпайсин», «Ёш оила», «Ҳавас», «Омадли» сингари омонат турлари одамларни қизиқтирмоқда. Омонатчилар сони эса йил бошидан 102 фоизга ўсди. Бундан ташқари, банкда ва унинг филиалларида «Western Union», «Авиа Экспресс», «Contact» халқаро пул ўтказмалари орқали ҳам аҳолига беминнат хизмат кўрсатилмоқда. Банкда мижозларнинг доимо гавжумлиги унинг ишончли ҳамкорга айланиб қолганлигини кўрсатиб турибди.

Замон шиддати тез. Ҳаёт билан ҳамнафас ҳолда иш юритаётган мазкур банк ходимларининг эса мақсади битта. У ҳам бўлса юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш, иқтисодиётни юксалтириш сари янада дадил қадамлар ташлаш.

***Исроил ШОМИРОВ, журналист.***

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Мустақиллик байрами арафасида Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бир гуруҳ ходимларига янги уйларнинг калитлари топширилди.

Шаҳарнинг Алпомиш кўчасида қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси биноси бошқарма томонидан қайта қурилиб, аҳоли турар-жой масканига айлантирилди. Янги, икки қаватли мазкур турар-жой биносида 24 оила ўз уй-жойларига эга бўлди.

— Шуни таъкидлаш керакки, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шоназар Тўраев, — мустақиллик йилларида соҳада сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилиб келаётган қарийб 150 та оила худди шундай уй-жой билан таъминланди. Бу «Ижтимоий ҳимоя йили»да соҳа ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# ҲАР БИР МИЖОЗ КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИШ

### ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИДИР, ДЕЙИШМОКДА «ХАЛҚ БАНКИ»НИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ

Сўз билан иш бирлигига қатъий амал қилаётган Давлат-тижорат Халқ банки филиаллари банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда фаол қатнашиб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатиш борасида мақсадли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, банкнинг пойтахт вилояти филиали томонидан олиб борилаётган изланишлар натижасида 2007 йилнинг ўтган даври давомида ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, банк капитали ва банк активларининг ортиши таъминланди. Пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида кўрилаётган чоралар натижасида банк филиали кассаларига 50,0 млрд. сўм нақд пул жалб қилинишига эришилди. Бу ўз навбатида банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятини уларнинг биринчи талаби бўйича таъминлашга имкон яратмоқда.

Барчамизга маълумки, аҳолининг турли қатламлари вакиллари одатда ўз эҳтиёжларидан ортиб қолган пул маблағларини бир томондан қўшимча даромад олиш ва иккинчи томондан эса кафолатли асраш учун банкларда сақлашни ихтиёр этадилар. Лекин, омонатчиларнинг кўпчилиги ўзларининг банкларда сақлаётган маблағлари мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида кўпинча ўйлаб ҳам кўришмайди. Тўғри, омонатчилар ўз маблағларини банк омонатларига жойлаштириш орқали маълум миқдорда даромад олиши мумкинлиги тайин. Аслида эса банк томонидан омонатга жалб этилган маблағлар иқтисодиёт ривожида ҳам катта аҳамиятга эга.

Халқ банкининг Тошкент вилояти филиали тизимдаги илғор молия муассасалари сафида бормоқда. Вилоят ҳудудида қатор тижорат банклари фаолият олиб бораётганлиги маълум. Уларнинг деярли барчаси аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиб келмоқда. Ушбу йўналишда депозит бозорида Халқ банки вилоят филиалининг 19 та туман (шаҳар) филиаллари ва 190 га яқин шохобча ва минибанклари юқори ўринда бормоқда.

Зеро Халқ банки мамлакатда фуқаролар омонатларининг бут сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банк эканлиги ҳаммага маълум. Зеро, банк фаолиятини истиқболли ривожлантириш натижасида шаклланган юқори савияли хизмат ва маҳсулотлар, авваломбор, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоғи даркор. Йилдан-йилга банк ҳисоб рақамларида аҳоли муддатли омонатлари қолдиғининг доимий ўсиб боришини таъминлашга эришилмоқда. Хусусан, 2006 йилда муддатли омонатлар салмоғи жами омонат қолдиғининг 46,5 фоизини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йил давомида анча ўсди. Ҳозир аҳолига манфаатли шартларда «Ташаккур», «Маҳалла фидойилари», «Матонат», «Самара», «Имкон», «Ташаббус-1», «Ёш оила», «Шодиёна», «Даромад плюс», «Фаровон ҳаёт» каби 20 га яқин жозибали омонат турлари жорий этилган бўлиб, мазкур омонатларга аҳолининг бўш пул маблағлари жалб қилинмоқда. Банк омонатчилари инвестицион фаоллиги натижасида банкдаги аҳоли омонатлари қолдиғи 2007 йил бошига нисбатан 1,0 млрд. сўмга яқин миқдорга ортиб, жорий йил 1 июль ҳолатига 7,6 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, аҳоли бўш пул маблағларини банк пластик карточкалари орқали жалб қилиш анъанага айланмоқда. Жумладан, бугунги кунда пластик карточкани афзаллик ва қулайлигини тушуниб етган мижозлар сони кундан кунга кўпаймоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўтган даври давомида пластик карточкалар бўйича амалга оширилган муамолар 1,2 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда. Мижозларга 9800 дона пластик карточка эмиссия қилинди. Қўшимча равишда 15 та корхона ва ташкилотларни 6,0 мингдан зиёд ишчи-ходимларининг иш ҳақлари пластик карточкалар орқали тарқатилиши таъминланяпти. 17 та савдо дўкони ва 19 та АЁҚШ шохобчаларига савдо терминаллари ўрнатилган. Мазкур терминаллар орқали 1,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар айланмаси амалга оширилди.

Банк томонидан депозитларга жалб қилинаётган маблағлар ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли жабҳаларига — ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, истеъмол бозорини кредитлаш каби соҳаларга йўналтирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун банкнинг ҳар бир омонатчиси — мамлакатимиз иқтисодиётининг реал инвестори, десак асло муболаға бўлмайди. Халқ банки Тошкент вилоят филиаллари орқали аҳолининг истеъмол товарларига, айниқса республикамизда ишлаб чиқарилаётган ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини харид қилиш учун 2007 йилнинг ўтган даври давомида 700 дан ортиқ жисмоний шахсларга 800,0 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити ажратилди. Бундан ташқари, банк асосий эътиборни кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратди ва ушбу йўналишда хориждан кичик технология ва ускуналарни харид қилиш учун жорий йил давомида 8,0 млрд. сўмга яқин микрокредитлар ажратилди. Банкнинг ажратган кредитлари эвазига Чирчиқ филиали мижози «Ҳамкордонсавдо» хусусий фирмаси донни қайта ишлаш цехини ишга тушириб, аҳолига қисқа муддат ичида 15,0 млн. сўмлик ун маҳсулотини етказиб берди. Корхонада 16 та янги ишчи ўрни яратилди. Шунингдек, вилоят филиалининг амалиёт бўлими мижози «Фурсат» хусусий корхонаси банк томонидан ажратилган кредит эвазига қўшимча 21 та янги иш ўринлари яратиб, пойтахтимиз аҳолисига 100 тоннага яқин помидор маҳсулотини етказиб берди. Худди шундай, хусусий тадбиркор Феруза Ҳайитова ўзига ажратилган кредит эвазига кийим-кечак тикиб, аҳолининг бу маҳсулотга бўлган талабини қондирмоқда. Корхонада 5 та янги ишчи ўрни яратилди. Банк филиаллари фаолиятидан шунга ўхшаш мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил давомида 80,0 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, бу кредитлар эвазига 95 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, шу миқдордаги маҳаллий ёшларни иш билан таъминлашга замин яратилди.

2007 йил давомида ғалла етиштирувчи 1042 та фермер хўжалигига 1,2 млрд. сўмдан ортиқ ва пахта хомашёсини етиштирувчи 889 та фермер хўжалигига 2,9 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида 46 та фермер хўжалигига 24 та ҳайдов трактори, 6 та культиватор, 15 та занжирли ВТ-150 ҳайдов трактори, шунингдек, 8 та «КЛАСС Доминатор» русумли дон ўриш комбайнлари банк кредити ва лизинг хизмати эвазига харид қилинишига имкон яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2007 йил давомида 300,0 млн. сўм маблағ кам таъминланган оилаларга чорва молларини харид қилиш учун ажратилди. Ажратилган кредит эвазига 311 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Республикамизнинг қатор тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, Халқ банки Ўзбекистон ҳудудида фуқароларни ижтимоий муҳофазалашга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилишида фаол иштирок этувчи ижтимоий аҳамиятга эга молиявий муассаса ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки Тошкент вилоят филиали жамоаси ҳудудидаги аҳоли, корхона ва ташкилотлар молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқон ва фермерларга ҳамда тадбиркорларга мададкор бўлишдек хайрли вазифани бажармоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**



# ТАНГА РОҲАТ

### МУЗҚАЙМОҚЛАР



Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Салор қўрғонида фаолият юритаётган «Имкон Плюс» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида рақобатга бардошли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Ушбу хусусий фирма 1997 йилда асосан савдо-сотиқ билан шуғулланиш мақсадида ташкил этилганди. 2001 йилнинг 21 мартидан эса музқаймоқ ишлаб чиқаришга киришилди.

Корхонага Европанинг қатор мамлакатларидан келтирилган илғор фирмаларнинг дастгоҳлари, асбоб-ускуналари ўрнатилган. Бир-кеча кундузда 50 хилдан зиёд музқаймоқ тайёрланаётир. Эндиликда корхона лойиҳадаги қувватига эришди. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ 421 миллион сўмлик музқаймоқ эл дастурхонига етказиб берилди. Бу ерда 42 киши иш билан таъминланган.

Даромадга яраша буромад деганларидек, фойданинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ишчи-хизматчиларни рағбатлантиришга сарфланмоқда. Бундан ташқари, «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан кўпгина хайрли ишларга ҳам қўл урилаётир. Жумладан, хусусий фирма Қибрай туман шоҳмот клубига 500 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Болалар уйидаги ўғил-қизларга эса 2,5 миллион сўмлик музқаймоқ тарқатилди.

Дарвоқе, корхона яқин хориж мамлакатларига 30 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилди. Қўшни Қозоғистонга ҳам музқаймоқ етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланди.

**Суратларда:** *музқаймоқ тахловчилар Зуҳра Буваева билан Гулнора Исаева; оператор Шаҳло Исаева.*

***«Экосан» халқаро ташкилоти «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида, «Экология ва саломатлик кунлари» анъанавий «Чорвоқ — 2007» болалар бадиий ижодиёти экофестивалини ўтказди.***

# «ЧОРВОҚ — 2007»

### ЭКОФЕСТИВАЛИ

Бундан кўзланган мақсад — ўсиб келаётган ёш авлодни табиатга муҳаббат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, атроф-муҳит муҳофазасига эътиборини жалб этиш ҳамда мустақиллик йилларида экология соҳасида эришилган ютуқларни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Бу йилги 13-экофестиваль Бўстонлиқ туманидаги «Ниҳол» болалар ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Наргис», «Ниҳол», «Чотқол», «Олимпиец» оромгоҳлари дам олувчилари иштирокида ушбу ҳудудларни тозалаш бўйича экологик акцияси ташкил қилинди.

Фестиваль сўнггида «Наргис», «Чотқол», «Олимпиец» оромгоҳларига «Экосан» халқаро ташкилотининг инсонпарварлик ёрдамлари, анжуманнинг фаол иштирокчиларига эса эсдалик совғалар топширилди.

**Дилнура РАҲМАТОВА.**

**Хотира**

# КАМТАРИН ВА СЎЗ УСТАСИ ЭДИ

Ҳаёт — у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетмоқдир, деган экан машойиҳлардан бири. Ҳа, бу ҳаётни фоний дунё деб бежиз айтишмайди. Аммо, ҳамма гап инсоннинг ана шу қисқа умри — сафари чоғида ўзидан яхши ном қолдирмоғида. Ҳаётда ҳар кимнинг қилган ишлари, яхшиликлари қолади, тилдан-тилга ўтади.

Ана шундай эзгу ном, эзгу амаллар қолдирган инсонлардан бири устоз журналист Самад Қодиров эди. Самад ака асли Қашқадарё вилоятининг Косон туманидан бўлиб, ўз ижодий фаолиятини Гулистон шаҳрида, яъни «Сирдарё ҳақиқати» газетасида бошлаганди. Ижодкорнинг чўлқуварлар ҳақида ёзган лавҳалари, репортажлари, очеркларини газетхонлар севиб ўқишарди. Ана шундай лавҳаларидан бири «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг 3-саҳифасида босилган экан. Газетамизнинг ўша пайтдаги бош муҳаррири Мақсуд Қориев ўринбосари Холбек Ёдгоровга газетани узата туриб:

— «Мирзачўл неъматлари» деган лавҳани ўқиб чиқиб, фикрингизни айтарсиз, — деди.

Кўп ўтмай, Холбек ака Бош муҳаррир хонасига қайтиб кирди.

— Мақсуджон, лавҳани ўқидим. Худди Ховосдаги Мичурин номли хўжаликнинг боғларида боғбонлар билан ёнма-ён юргандек бўлдим. Қотирибди, сўз устаси экан, иложи бўлса, бу муаллифни ишга таклиф қилиш керак, — дея газетани узатдилар. Лавҳа-мақола синчиклаб ўқилганди. Кўп жойларига қизил қалам билан «ўхшатишларини қаранг», деб ёзиб қўйилганди.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Гулистонга қўнғироқ қилиб, газета муҳаррири билан гаплашиб кўринг!

— Кўнармикан. Газета муҳаррири Исмоил Сулаймонов ҳам анойи эмас.

— Кўндиришга уриниңг-да.

Эртасигаёқ Холбек ака ишга киришиб кетдилар. Муҳаррир рози бўлибди шекилли унинг номига Самад Қодировни республика газетасига ишга йўллаш ҳақида расмий хат ёзилди.

Орадан уч-тўрт кун ўтмай, таҳририятда Сирдарёдан янги ходим келибди, деган гап тарқалди. Самад Қодиров қишлоқ хўжалик бўлимига мухбир вазифасига ишга қабул қилинди. У эртасигаёқ ҳеч ётсирамай фаолиятини бошлаб юборди.

Энди газета саҳифаларида чўлқуварларнинг мардонавор меҳнати ҳақида гоҳ репортаж, гоҳ лавҳалар пайдо бўларди. Уруш кўрганлари сабаб қуролдошлари ҳақида ҳам қалам тебратиб турар эдилар.

Кунларнинг бирида муҳарриримиз бизга юртимиз ноз-неъматлари ҳақида суратлари билан мақолалар бериб боришни таклиф қилдилар. Тажрибали журналист Маъруф Назаров раҳбарлигида тўрт нафар ходим шу ишга киришдик. А.Тўраев, С.Безносов, И.Глауберзон каби уста сураткашларни бу ишга жалб қилдик. Шу маслаҳатдан сўнг «Ўлкамиз ноз-неъматлари» рукни остида кунора, баъзан ҳар куни мақолалар бериб турардик. «Варганза анори», «Наманган олмаси», «Шредер боғларида» сарлавҳали лавҳалар анча тилга тушди.

Ўшанда Москвадан тез-тез меҳмонлар келарди. Улар газетамиздаги бу лавҳаларни кўриб: «Бу рекламами ёки ҳақиқатми?», деб сўрашибди. Айрим ишонмаганлар ҳам бўлган. Уларни боғларга олиб боришганда ҳайратланиб қолишган.

...Бот-бот қалби дарёдек жўшқин, меҳрибон устозни қўмсаб қоламиз. Қани ҳозир ҳаёт бўлганларида. Юртимиздаги бугунги ўзгаришларни, ер эгасини топган — эгали бўлган боғларни, пахтазору ғаллазорларни кўриб қувонган бўлардилар. Жонкуяр деҳқонлар ҳақида, миришкор боғбонлар тўғрисида бир-биридан ўқимишли очерклар, лавҳалар ёзиб, ҳаммани лол қолдирармидилар? Афсус, бугун у киши орамизда йўқ. Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин.

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**фахрий журналист.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» «НАМАНГАН» АЭРОПОРТИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИНИ

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Наманган вилояти, Наманган шаҳар аэропортининг темир бетон тўсиғини қайта қуриш**

***Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан* — 138 543 362 сўм.**

***Қурилишни якунлаш муддати* — 6 ой.**

***Буюртмачи:* «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Наманган» аэропорти**

**Телефон: 8(369) 232-34-25, 226-20-84**

***Қурилиш ишлари «Наманган» аэропорти ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

***Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга:***

**Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилишлари мумкин.**

**Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

***Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи* — 50000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**

***Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:***

**Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.**

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## ОАЖ «ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЭНЕРГО-МАРКАЗИ»

## ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Объект номи: «Фарғона шаҳридаги Шарқ тонги қозонхонасининг 7-сонли ПТВМ-50 котлоагрегатини мукаммал таъмирлаш».**

***Қурилиш муддати* — 60 кун**

***Буюртмачи манзили:* Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 59-уй, телефон/факс: 223-43-33, 223-43-45**

***Қурилиш-монтаж ишлари буюртмачининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

*Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:* ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76***

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.***

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.*

*Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган буюртмачининг манзилида ўтказилади.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Халқ шоири**



# ШУ МУНИС ВАТАННИНГ ТУПРОҒИНИ ЎП

## ВАТАН

***Ватан нимадир деб юргандан кўра,***
***Эсингни бир жойга йиғиб ол, жўра.***
***Дунёда ибратли дарсхоналар кўп,***
***Ватанни Ватандан жудодан сўра.***

## УМИД

Болам, қувончларинг олдинда ҳали,
Бўтана дарёнинг лойқаси тинар.
Сайроқ қушларинг ҳам боғингга қўнар,
Болам, қувончларинг олдинда ҳали.

Ватанинг бундан ҳам бўлар чароғон,
Яна чаппор ургай анвойи гуллар.
Тенгсиз меҳр билан балқар кўнгиллар,
Ватанинг бундан ҳам бўлар чароғон.

Машаққатлар ўтар, синовлар ўтар,
Хандон кулгуларинг таралгай ҳали.
Теграngда бир олам яралгай ҳали,
Машаққатлар ўтар, синовлар ўтар.

Умид қил, бошингни тик тутгин, болам,
Шу мунис Ватаннинг тупроғини ўп.
Бобо чинорларнинг япроғини ўп,
Умид қил, бошингни тик тутгин, болам.

## НАСИБА

***Дунёда ҳеч кимса юрмайди бекор,***
***Ҳар кимнинг ҳар қайдан насибаси бор.***
***Кимдир оиласин гап сотиб боқса,***
***Кимдир гап ўғирлаб тебратар рўзғор.***

## УЛУҒБЕК ФАРЁДИ

Минг лаънат сен ниҳол ўтқазган вақтга,
Оссалар гар ўзинг эккан дарахтга.

Тақдирнинг юзлари қорайсин баттар,
Қазган қудуғингга чўктирсалар гар.

Фалак гумбазини ёрсин фарёдинг,
Агар ўз фарзандинг бўлса жаллодинг.

Ўрласин аршгача бу қора тутун,
Бешигинг тобутга айланса бир кун.

## ҚАССОБ

***Кимлардир қассобни хунхор дейдилар,***
***Берар тирик жонга озор дейдилар.***
***Бироқ, қассоб сўйган қўйнинг гўштини***
***Мақташиб, такрору такрор ейдилар.***

## ЛОФ

*Лофчининг услуби шундоқдир азал,*
*Маҳлиё қилади сизни ёлғонга.*
*Қай куни бир лофчи дер эди дангал:*
*— Шапалоқ тортганман Наполеонга.*

*Гапни илиб кетди иккинчи лофчи,*
*Деди: — Эшит энди, оғайни, бизни.*
*Ўлик денгиз дерлар, сабабин топ-чи,*
*Ўзим ўлдирганман ўша денгизни.*

*Лофнинг замони ҳам ўтди-ку мутлоқ,*
*Унга муҳтож эмас бирорта одам.*
*Ростдан дуч келганга тортиб шапалоқ,*
*Ростдан қуритгайдир денгизларни ҳам.*

## СОДДАЛИК

*Инсон болалари барибир содда,*
*Мен сизга келтирай уч-тўртта мисол.*
*Балки сиз уларни сақларсиз ёдда,*
*Ёки бойитарсиз, эҳтимол.*

*Мана бу ҳолатни айланг тасаввур,*
*Бу ҳам соддаликдан эмасдир йироқ.*
*Кимдир заррача ҳам қилмай тафаккур,*
*Уйсиздан жой сўрар, сўқирдан чироқ.*

*Ҳамёнин олдирган нуроний бир чол*
*Инсоф! — деб бошини қиларди сарак.*
*Оҳ, гўл отажоним, содда оқсоқол,*
*Инсофни бор гап деб ўйласа керак.*

*Ўзим учратганман, бир нокас, нодон*
*Масхара қиларди содда сиймони.*
*Лекин билмас эди нокас ўшал он,*
*Ҳозир ақча эмас, калла замони.*

*Инсон болалари содда ҳарқалай,*
*Гарчанд дунё мушкул — буни билади.*
*У ҳаёт завқини сурмоқликка шай,*
*Шўх-шўх қўшиқларни талаб қилади.*

## МЕЧКАЙ

**Бир мечкай бўларди, бадтар юҳодан,**
**Тўймасди на ошдан ва на шўрводан.**
**Бир кун ҳақсизликка дуч келиб деди:**
**— Тўйдим барисидан, ҳатто дунёдан.**

## ЖИН

***Мана бу гап эса ҳақиқатдир чин,***
***Бугун кўзасидан чиқиб кетган жин.***
***Энди у ҳеч кимни писанд қилмайди,***
***Ҳатто эгасига кўтарар қамчин.***



Маҳалла — меҳр маскани

# ОМОНМИСИЗ, ЖОН ҚЎШНИ?..

Осмонўпар уйлари бўлмаган шаҳар шаҳарми? Бундай уйлар шаҳарга кўрк бағишлайди. Тошкент зилзиласидан кейин бутун шаҳар бўйлаб ёппасига кўп қаватли бинолар қуриш бошланиб кетган эди. Бугун бу кўркам биноларни кўриб кўзларимиз қувонади. Бу муҳташам кошона уйларда ўзбеклар, руслар, украинлар, белоруслар, татарлар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари қўни-қўшни, катта аҳил оила бўлиб яшашади.

Бу ҳаёт-да, баъзан чигалликлари ҳам учрайди. Яшириб нима қилдик, гоҳо шундай ёнма-ён яшаётган айрим оилалар бир йўлакда яшаб бир-бирининг ҳатто исми-шарифини ҳам билишмайди.

Бир мисол: яқинда иш билан Асатилла деган танишимникига бориб қолдим. Гап орасида ён қўшнисининг касб-корини суриштирдим. Асатилла қўшнисининг касби тугул исмини ҳам билмаслигини айтди. Унинг сўзларини эшитиб ўйланиб қолдим. Ён қўшнимизнинг хонадонига ким кириб, ким чиқаётганидан бехабармиз, ҳатто уйини ўғри ўмараётганидаям ғофил бўп қолаверамиз-да бу аҳволда?!

Халқимизда «Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши» деган доно ҳикмат бекорга айтилмаган. Қадимда ҳам ота-боболаримиз қўни-қўшни бўлиб ҳамжиҳат, ҳамкор, ҳамдард ҳаёт кечиришган.

Маҳалла аҳли одобли, комил фарзандларни ҳамиша ардоқлаган, уларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиб келган. Шу боис ҳам одамлар орасида «бир бола тарбиясига етти қўшнининг ҳаққи бор», деган гап юради.

Қўни-қўшни, ёши улуғлар доим йўлдан адашганларга танбеҳ бериб, йўл кўрсатган, ҳидоят сари бошлаган.

Энг оддий ҳақиқат шуки, маҳаллада яшаган киши атрофдагиларга, қўни-қўшнига ҳеч қачон лоқайд бўла олмайди.

Ҳаётда шундай воқеаларга дуч келсам, тўқсон ёшни қоралаган бобомнинг болалигимда айтиб берган ўгитлари ёдимга тушаверади. Бир куни бобом: «Болам, муюлишда турадиган, саҳарлаб ишга кетадиган трамвайчи амакинг борку, ёшгина йигит негадир 3-4 кундан буён кўчамиздан ўтмай қолди, тинчмикин? Югургилаб бир хабар оп-келчи» дедилар. Менинг, тўғриси, бироз ғашим келди: «Ўтмаса сизга нима бува? Ота-онаси бор-ку! Балки ...Ҳа, кечагина нариги кўчадан кетаётувди...» дедим боришга эриниб. Бувам индамай бошини сараклатиб, ҳовлимизда ер билан битта тўкилиб ётган олмаларни белбоғига тера бошлади.

Эрталабки чойга ҳаяллаб қолдилар. Бир пайт кеп қолдилар-да, ҳаммамизга қарата: «Қўшнимиз, трамвайчи... йигитча йиқилиб, оёғи синиб ётган экан, кўнглини сўраб чиқдим...» дедилар. Мен ер чизиб, мулзам бўп қолдим... Ҳозир ўша «трамвайчи» каттакон идоранинг бошлиғи, бувамни тез-тез йўқлайди... Доим эшикдан очиқ чеҳра билан: «Омонмисиз, жон қўшним...» деб кулиб кириб келади... улар узоқ суҳбат қуришади. Қараб туриб, ростанам яхшилик меҳр-оқибат ерда қолмас экан, деган ўй ўтади кўнглимдан...

Афсуски, бугунга келиб, ана шундай эзгуликларга йўғрилган анъаналаримизга сал соя ташланяпти. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчилар орасида меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш учун аввало ишни ҳар биримиз ён қўшнимизнинг ҳолидан хабар олиш, танишишдан, кўнглини сўраб, тонгдан то шомгача рўбарў келганда «Ассалому алайкум, омонмисиз қўшни» дея такаллуф этишдан бошласак, савоб ишга қўл урган бўлар эдик-да... Ахир халқимизда, ҳечдан кўра, кеч ҳам яхши, деган гап бор-ку!

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

AFC ASIAN CUP 2007
7-29 July
INDONESIA MALAYSIA THAILAND VIETNAM

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ — 3:0

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА!

Таиланд, Малайзия, Индонезия ҳамда Вьетнамда ўтказилаётган Осиё кубоги баҳсларининг «А» ва «В» гуруҳларида ғолиблар номи аввалроқ аниқланганди. Ўз гуруҳларида муносиб тўп сурган Ироқ, Австралия, Япония ҳамда Вьетнам терма жамоалари чорак финал йўлланмасини нақд қилишган эди.

Кеча эса Куала-Лумпур (Малайзия) ва Жакарта (Индонезия)да ўтказилган ўйинлардан сўнг қолган икки гуруҳда ҳам кучлилар номи маълум бўлди. Унда «С» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси охирги турда Хитой вакилларига қарши майдонга тушди. Ўтган икки турдан сўнг уч очко жамғарган ҳамюртларимизнинг чорак финалга чиқишлари учун мазкур ўйинда фақат ғалаба зарур эди.

Терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инилеев ўйин олдидан журналистларга интервью берар экан, шундай деган эди: «Бизнинг ягона мақсадимиз — кейинги босқичга чиқиш. Бунга эса имкониятимиз етади. Тўғри, олдинги учрашувларда ҳакам томонидан икки маротаба огоҳлантирилган етакчи футболчиларимиздан бири Ислом Иномов бу гал майдонга туша олмайди. Бироқ таркибимизда унинг ўрнини боса оладиган бошқа футболчилар борлигидан кўнглим тўқ. Энг муҳими, йигитларимизнинг кайфиятлари кўтаринки, айни пайтда рақиб қайси жамоа бўлишининг улар учун фарқи йўқ. Футболчиларимиз моҳир ҳужумчи Максим Шацких сардорлигида фақат ғалаба иштиёқида тўп суришларига ишонаман». Бу гаплар ҳеч қандай муболаға ёки тўқима сўзлар эмас. Мураббийнинг бу фикрлари интернет сайтлари орқали ҳам эълон қилинганди.



Учрашув нечоғли кескин кечишига қарамай, Ўзбекистон миллий терма жамоаси фақат ва фақат ғалаба иштиёқида майдонга чиққанлигини исботлади. Рақиб қитъамизнинг номдор жамоаси бўлса-да, Инилеев шогирдлари уларга қарши майдоннинг ҳар қарич ерида тўп учун муносиб кураш олиб боришди. Футболчиларимизнинг уюшқоқликлари ўйиннинг 72-дақиқасига келиб, ўз самарасини берди. Виктор Карпенко томонидан қойилмақом тарзда амалга оширилган жарима тўпини Максим Шацких хитойликлар дарвозаси тўрига жойлаб қўйди. Бундан руҳланган ҳамюртларимиз учрашувнинг сўнгги дақиқаларида яна икки маротаба рақибларини ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилишди. Кейинги икки тўпга Тимур Копадзе ҳамда Александр Гейнрихлар муаллифлик қилишди — 3:0.

Футболчиларимизнинг ушбу чиройли ғалабаси терма жамоамиз учун нафақат чорак финал эшикларини очди, балки юртимизнинг миллионлаб ишқибозлари хонадонига ҳақиқий байрам нафасини олиб кирди. Хитой терма жамоаси устидан қозонилган ишончли ғалаба ҳамюртларимизга чин маънода кўтаринки кайфият ва хушнудлик улашди. Маҳалла ва кўча-кўйда мухлислар қийқириқ, ҳаяжон ва қувонч билан бир-бирини қутлай бошлашди. Бу чиндан-да фахрланса, ғурурланса арзийдиган ютуқлардан бўлди, десак хато қилмаймиз.

Ўйин тугаши билан таҳририятимизга ҳам қўнғироқлар бошланди.

— Бир гуруҳ полвонлар ўтириб, ўйинни томоша қилдик, — дейди эркин кураш бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси Нажмиддин Муҳитдинов. — Яқиндагина полвонларимиз эркин кураш бўйича ўтказилган йирик халқаро турнирдан медаллар шодаси билан қайтишган эди. Ўзбекистон ва Хитой футболчилари ўйинидан олдин республика Спорт курашлари ассоциацияси раҳбарлари ва бир гуруҳ мутахассислар билан ана шу ғалабаларни эсладик. Футболчиларимизга ҳам омад тиладик. Мана қаранг, қандай ўйин бўлди... Футболчиларимиз бир миллиард 200 миллион аҳолиси бўлган Хитойдек катта мамлакат жамоасини тўла устунликда енгди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Ана шу ғалабанинг ўзи юртимизда спортга, жумладан, футболни ривожлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор самараси, деб ўйлайман. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг ҳар бир футбол ишқибозини ушбу муҳим ғалаба билан табриклаймиз. Футболчиларимизнинг кейинги ўйинларида омад тилаймиз.

**«С» гуруҳи**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Эрон | 3 | 2 | 1 | 0 | 6-3 | 7 |
| 2. Ўзбекистон | 3 | 2 | 0 | 1 | 9-2 | 6 |
| 3. Хитой | 3 | 1 | 1 | 1 | 7-6 | 4 |
| 4. Малайзия | 3 | 0 | 0 | 3 | 1-12 | 0 |

**«D» гуруҳи**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Саудия Арабистони | 3 | 2 | 1 | 0 | 7-2 | 7 |
| 2. Жанубий Корея | 3 | 1 | 1 | 1 | 3-3 | 4 |
| 3. Индонезия | 3 | 1 | 0 | 2 | 3-4 | 3 |
| 4. Бахрайн | 3 | 1 | 0 | 2 | 3-7 | 3 |

Дарҳақиқат, бу яхши ниятга ҳаммамиз қўшиламиз. Кейинги ўйин эса 22 июлда Саудия Арабистони терма жамоаси билан ўтказилади.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Эрон футболчилари эса малайзияликларга қарши тўп суришди. Эронликларнинг тўлиқ устунлигида кечган ушбу ўйин 2:0 ҳисоби билан якунланди.

Индонезияда ўтказилган «Д» гуруҳининг охирги тур баҳсларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: Индонезия — Жанубий Корея — 0:1, Баҳрайн — Саудия Арабистони — 0:4.

Энди қуръага кўра, чорак финалда Ироқ — Вьетнам, Япония — Австралия, Эрон — Жанубий Корея, Саудия Арабистони — Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро баҳс юритадилар. Учрашувлар 21 ва 22 июль кунлари бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО.**

Соғломлаштириш масканларида

# «ЁШ АЛАНГАЧИ» — БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Китоб туманининг денгиз сатҳидан салкам 2,5 минг метр баландликда жойлашган «Ёш алангачи» соғломлаштириш оромгоҳи болажонларнинг севимли масканларидан бири. Уларнинг кўнгилдагидек дам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Айниқса, бу ернинг сўлим ва гўзал табиати оромгоҳ кўркига кўрк қўшиб туради.

Айни кунларда ушбу дам олиш масканида Муборак газчиларининг олти юз нафарга яқин ўғил-қизи хордиқ чиқаряпти. Турли кечалар, ўйинлар, спорт мусобақаларининг уюштирилиши, тоғ бағрига саёҳатлар болажонларга олам-олам қувонч улашмоқда. Айниқса, кўпдан-кўп дўстлар орттириш, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги тарихий ёдгорликларни томоша қилиш болалар ҳаётида муҳим, ажойиб таассуротларга бой воқеа бўлаётир.

— Ёз мавсумида газчиларимизнинг икки мингдан ортиқ болалари дам олади, — дейди оромгоҳ директори Ҳайдарқул Қаландаров. — Шу билан бирга, Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан келган болажонлар ҳам ҳордиқ чиқаришади. Бундан ташқари, Китоб шаҳрида жойлашган 5-Меҳрибонлик уйининг 100 нафар тарбияланувчиси имтиёзли равишда дам олмоқда.

**Суратларда:** *«Ёш алангачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.*






Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Huquq — 136-76-21
Ekologiya va salomatlik — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8578 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 23.45
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda